

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎзР ФА УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

БОТИРОВ БУРХОН БОБИР ЎҒЛИ

**СОПОЛ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ КЛИНКЕРИ
ВА КОМПОЗИЦИОН БОҒЛОВЧИЛАРНИНГ САМАРАДОР
ТАРКИБЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари
кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of dissertation doctor of Philosophy (PhD)

Ботиров Бурхон Бобир ўғли

Сопол чиқиндилари асосида портландцемент клинкери ва композицион боғловчиларнинг самарадор таркиблари ва технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Ботиров Бурхон Бобир угли

Разработка эффективных составов и технологии получения портландцементного клинкера и композиционных вяжущих на основе керамических отходов.....21

Botirov Burxon Bobir ugli

Development of effective compositions and technologies for the production of Portland cement clinker and composite binders based on ceramic waste.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗР ФА УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

БОТИРОВ БУРХОН БОБИР ЎҒЛИ

**СОПОЛ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ КЛИНКЕРИ
ВА КОМПОЗИЦИОН БОҒЛОВЧИЛАРНИНГ САМАРАДОР
ТАРКИБЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари
кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1705 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегжанова Гулрух Бахтияровна
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар

Эминов Ашраф Мамурович
техника фанлари доктори, профессор

Юнусов Миржалил Юсупович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура ва қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «03» декабрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail:fan va taraqqiyot@mail.ru, <http://www.gupft.uz/> «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2020 йил «19» ноябрь. куни тарқатилди.
(2020 йил «05» ноябрь № 27 рақамли реестр баённомаси).

С.С.Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзФА академиги

М.Г. Бабаханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

Н.Талипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1705 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gurft.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегжанова Гулрух Бахтияровна
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Эминов Ашраф Мамурович
техника фанлари доктори, профессор

Юнусов Миржалил Юсупович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура ва қурилиш институти


Диссертация химояси Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «03» декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail:fan va taraqqiyot@mail.ru, <http://www.gurft.uz/> «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2020 йил «19» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «05» ноябрь №27 рақамли реестр баённомаси).




С.С.Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзФА академиги


М.Г. Бабаханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.


Н.Талипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда глобал экологик сиёсат табиатнинг айрим элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларни универсал ҳимоя қилишга ўтишни, инсон атроф-муҳитнинг мақбул параметрларини кафолатлашини ва «яшил иқтисодиёт» тамойилларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш механизмлари билан ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган. Бу борада саноат чиқиндилари асосида самарали цемент композицияларини ишлаб чиқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида чиқиндиларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга қаратилган технологик жараёнлар ва атроф-муҳит фаолиятини яхшилашга қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш, экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш орқали табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш самарадорлигини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикада саноат чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда юқори сифатли цемент ва композицион боғловчиларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергиятежамкор усулларни қўллаш, цемент ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада кимёвий таркиби табиий алюмосиликат хом ашёларнинг кимёвий таркибига яқин бўлган сопол чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш, табиий хомашёларни тўлиқ алмаштириш ва энергия ва ресурстежамкор технологиядан фойдаланган ҳолда клинкер ва композицион қўшимчали цементларни ишлаб чиқаришга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5368-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси» ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Клинкер ишлаб чиқаришда энергия сарфини пасайтириш ва уларни техноген ва янги турдаги табиий ва

техноген хомашёлар асосида яратиш борасида И.В. Кравченко, Т.В. Кузнецова, В.В. Тимашев, С.М. Канцельский, М.Г. Гулямов, V.S. Ramachandran, А.П. Осокин, А.А. Пашенко, Л.М. Шпынова, Л.Я. Гольдштейн, Т.А. Атакузиев, М.И. Искандарова, Б.Т. Таймазов, L.R. Castello, K.L. Scrivener, Я.Б. Якимечко, М.А. Саницкий, Х.С. Соболев, Б.И. Нудельман, М.Я. Бикбау, З.П. Пулатов, А.А. Тулаганов, Ф.Б. Атабаев, З.Р. Рахимов, Г.Б. Бегжанова, Е.Ю. Ермилова, З.А. Камалова, K.L. Scrivener, A. Nonut ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мавжуд ишларнинг таҳлиliga кўра, иқтисодиётнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланиши билан кўп тоннажли иккиламчи хомашё ва минерал чиқиндиларни йўл-йўлакай казиб олишда ҳосил бўладиган иккиламчи хомашё материалларининг қурилиш материаллари ишлаб чиқишда фойдаланиш ва қайта ишлашда яроқлилик муаммоси ўрганилмаганлигини таъкидлаш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти ҳамда «Science investment» МЧЖ илмий-тадқиқот режаларининг инновацион лойиҳа И-2017-7-21 «Сопол буюмлар ишлаб чиқариш чиқиндиларидан комплекс хомашё сифатида фойдаланиб кенг ассортиментдаги қурилиш материалларини олиш технологиясини ўзлаштириш» (2017-2018 йй.) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сопол чиқиндилардан комплекс фойдаланиб портландцемент клинкери ва композицион боғловчилар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

портландцемент клинкери олишда хомашё сифатида сопол ишлаб чиқаришдаги композицион алюмосиликат чиқиндиларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

сопол чиқиндиларининг технологик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг клинкер ва цемент қўшимчаларини ишлаб чиқариш учун меъёрий ҳужжатларда хомашёга қўйилган талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

клинкер олишда сопол чиқиндиларидан хомашё сифатида фойдаланиб шакллантирилган композициялар асосидаги шламларининг реологик хоссаларини, хом ашё композициясини таркибини танлаш орқали, уларни қуйдириш жараёнида реакцияга киришиш қобилятини ўрганиш ва клинкер олишни ҳароратини ва кимёвий-технологик параметрларини оптималлаштириш;

қуйдириб олинган клинкерлар ва улар асосидаги цементларнинг физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини ўрганиш;

портландцементнинг физик-механик хоссаларига фракцияланган сопол синиқлари таъсирини ўрганиш ва композицион цементлар таркибини оптималлаштириш;

«таркиб-структура -қотиш вақти-хосса» орсидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ўрнатиш;

портландцемент клинкери ва композицион портландцемент ишлаб чиқаришда сопол чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;

портландцемент клинкери ва композицион портландцементини ишлаб чиқариш учун илмий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, сопол ишлаб чиқариш чиқиндилари, композицион хомашё аралашмалари ва улар асосидаги портландцемент клинкерлари, сопол синиқлари ишлатилган композицион портландцементлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, клинкерларни синтез қилиш жараёнини ўрганиш, композицион портландцемент олиш ва уларнинг қотишида композитнинг шаклланиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида дастабки материалларнинг технологик хоссаларини ўрганишда стандарт усуллардан фойдаланилган, композиция хомашёлар кимёвий таркибни ҳисоблаш ва уларни куйдиришдаги физик-кимёвий жараёнларни ўрганиш, цементларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини, ҳосилаларнинг юзага келиши, уларнинг эволюцион йўналишини ва цемент композитининг шаклланишини кимёвий, рентгенофазавий таҳлил, ДТА ва электрон микроскоп усулларини қўллаб ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тупроқли компонент сифатида сопол чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда портландцемент клинкери олиш учун хомашё композицияларининг таркиблари ишлаб чиқилган;

«Майдаланган клинкер-сопол синиғи-гипс-сув» гетероген тизимни гидратланиш жараёнида янги ҳосилалар пайдо бўлиши ва эволюция йўналишини кузатиш орқали. шаклланган цемент композициясининг «таркиб-тузилиш-хосса» си ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик аниқланган;

табiiй соз тупроқни (лесс) сопол чиқиндиларига алмаштирилганда хомашё аралашмаларнинг реакцияга киришиш қобиляти ошиши исботланган, уларни куйдиришда минералларнинг ҳосил бўлиш жараёнининг хусусиятлари аниқланган;

сопол чиқиндиларидан фойдаланилганда хом ашё композициясини куйдириш жараёнида клинкер минералларини анъанавий таркибдаги хом ашё аралашмаларига нисбатан паст температурада ҳосил бўлишининг тугалланиши асосланган;

клинкернинг кимёвий-минералогик таркиби ва структура тузилиши аниқланган, улар асосида олинган портландцементнинг гидравлик фаоллиги ПЦ400–Д20 маркага мос келиши исботланган;

сопол синиқларининг цемент учун фаол минерал қўшимча сифатида яроқлилиги исботланган, уларнинг иштирокида юқори даражада тўлдирилган портландцемент композицияларининг таркиби ва олиш технологияси ишлаб чиқилган;

гидратланиш жараёнининг физик-кимёвий хусусиятлари ва цементларнинг қотишида сунъий конгломератнинг микрогузилиши шаклланиши билан цемент композитининг мустаҳкамлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ноанъанавий хомашё – сопол ишлаб чиқариш композицион чиқиндиларидан хомашё сифатида фойдаланган холда, энергия тежамкор портландцемент клинкерлари олиш имконияти амалий исботланган;

зарур хом ашё материалларнинг сарфий меъёрлари ҳисоблаб чиқилган, хомашё композицияларини тайёрлаш учун таркиблар, уларнинг кимёвий ва технологик параметрлари ва портландцемент клинкери олиш учун куйдириш жараёни оптималлаштирилган;

20 %гача юқори ҳароратли клинкер таркибини ноанъанавий фаол минерал қўшимча-сопол синиғига алмаштириб ПЦ400-Д20 маркали композицион олинган;

сопол ишлаб чиқариш чиқиндиларидан комплекс фойдаланиб портландцемент клинкери ва композицион боғловчилар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги цемент таркибидаги фаол минерал қўшимча сифатида сопол синиқларининг фаоллигини стандарт усуллардан фойдаланиш, цементларнинг физик-механик хоссаларини ва синтез қилинган клинкернинг фаза таркиби, тузилиши ва хоссаларини физик-кимёвий ўрганишнинг замонавий усуллари, композицион боғловчини қотиш жараёнида «майдаланган клинкер-сопол синиқлари-гипс тоши-сув» тизимидаги ўрнатилган қонуниятлар илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, сопол чиқиндиларини тутган хомашё композицияларини куйдириб клинкер олиш жараёнининг тезлашишига ва клинкер минералларининг ҳосил бўлиши, композицион портландцементни қотишида структуранинг шаклланиш жараёнининг тезлашиши «таркиб-структура-мустаҳкамлик» корреляцион қонуниятларини ўрнатиш орқали илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, сопол чиқиндиларини клинкерни куйдириш учун табиий хомашё билан алмаштириш орқали соз тупрокни тежаш, айланма печларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва куйдиришга сарфланадиган ёқилғи-энергия харажатларини тежаш, композицион цемент ишлаб чиқаришда 20% юқори ҳароратда олинадиган қимматбаҳо клинкерни алмаштириш, клинкер ва цемент ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг нархини арзонлаштириш, экологик вазиятни яхшилаш ва Ангрэн эркин иқтисодий зонаси аҳолиси ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сопол чиқиндиларидан комплекс фойдаланган холда портландцемент клинкери ва композицион боғловчиларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Цементлар учун қўшимчалар. Фаол маъданли қўшимчалар ва тўлдирувчи-қўшимчалар. Техникавий шартлар» Ўзстандарт агентлиги

томонидан тасдиқлаган (Oz DSt 901-98). Натижада, цемент заводларида сопол синиқларидан кўшимча сифатида фойдаланиб, цемент композицияларини ишлаб чиқиш имконини берган;

сопол синиқлари кўшилган композицион цемент ишлаб чиқариш таркиби «BAZIS»ҚК МЧЖда амалиётга жорий этилган («BAZIS»ҚК МЧЖнинг 2018 йил 27 сентябардаги 157-сон маълумотномаси). Натижада юқори ҳароратда олинадиган қимматбаҳо клинкерни тежаш ва композицион кўшимчали портландцементни саноат миқёсида ишлаб чиқариш имконини берган;

сопол синиқларини клинкер ишлаб чиқаришда тупроқли хомашё компоненти ва цементга фаол минерал кўшимча сифатида комплекс ишлатиш технологияси («Охангаронцемент» АЖда амалиётга жорий этилган. («Охангаронцемент» АЖнинг 2020 йил 7 августдаги 1-1/АГЦ-1414/20-сон маълумотномаси). Натижада саноат миқёсида клинкер ишлаб чиқаришда табиий сорзтупроқни ва композицион кўшимчали портландцемент ишлаб чиқаришда қимматбаҳо клинкерни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та республика илмий-техник ва 3 та халқаро анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 109 та бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, ишланманинг жорий қилинганлиги, тадқиқот апробацияси натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жаҳон тажрибаси ва цемент саноатида термофаол алюмосиликат материаллардан фойдаланиш ҳолати**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича табиий ва техноген тавсифдаги алюмосиликатли хомашёдан фойдаланган ҳолда портландцемент клинкерини олиш технологияси нуктаи назаридан хорижий ва маҳаллий илмий изланишларнинг шарҳи келтирилган. Фаол минерал қўшимчаларнинг алтернатив турларини қўллаган ҳолда портландцементишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, таннархини пасайтириш ва эксплуатация хоссаларини яхшилаш муаммолари кўриб чиқилган. Портландцемент клинкери ва қўшимчали қўшимчали цементларни олиш учун «Кулол» АЖ нинг сопол чиқиндиларидан комплекс хомашё сифатида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий жиҳатдан асосланган.


Диссертациянинг «**Дастлабки материалларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ва тадқиқот олиб бориш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида клинкерни олиш учун хомашё композициясини шакллантиришда ва композицион портландцемент ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашё материаллар - Карахтой оҳактоши, Шавазсой соз тупроқли суглинкалари, “Олмалик тоғ-металлургия комбинати” АЖ темирли куйиндиси, Карнаб гипс тоши, «Охангаронцемент» АЖнинг клинкери, «Кулол» АЖнинг сопол чиқиндиларининг кимёвий таркибларини аниқлаш натижалари келтирилган бўлиб, олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Портландцемент клинкери олиш учун дастлабки материалларнинг кимёвий таркиблари

Намуналар номи	Оксидлар миқдори, масс. %								
	п.п.п	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	R ₂ O	SO ₃	Σ
Карахтай оҳактоши	39,61	4,99	1,33	0,47	50,28	2,72	0,40	0,20	100
Шавазсой соз тупроғи	13,48	51,43	10,71	4,76	11,59	2,84	3,80	1,39	100
«Кулол» АЖнинг сопол чиқиндиси	0,74	64,31	24,60	2,52	1,40	1,01	4,03	1,39	100
“ОТМК” АЖ темирли куйиндиси	0,28	40,92	8,04	44,57	2,11	0,45	2,34	1,29	100
Карнаб гипс тоши	400°С 19,1	1,52	0,13	0,14	33,04	0,20	Прочие 2,41	43,46	100

1-расмда сопол ишлаб чиқаришдаги чиқиндининг дифрактограммаси келтирилган бўлиб, унга мувофиқ, сополни бирламчи куйдирилишидаги ҳосил бўлган кварцнинг $d/n=(0,421; 0,334; 0,245; 0,223; 0,212; 0,197; 0,181; 0,166; 0,165)$ nm ва герцинит, мулит, анортит $d/n=(0,526; 0,313; 0,300; 0,285; 0,267; 0,252; 0,225; 0,204; 0,180)$ nm кўринишли турли асосли кальций алюмосиликат ларнинг дифракцион жадалликлари тасвири келтирилган.



1-расм. Сопол ишлаб чиқаришдаги чиқиндининг дифрактограммаси

Ушбу бобда тажрибалар олиб бориладиган ускуналар ва усуллар тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилган бўлиб, хомашё материаллар, клинкер ва композицион цементларнинг кимёвий таҳлили ГОСТ 5387-91 бўйича, уларнинг минералогик таркиблари рентгенофазавий таҳлил усулини қўллаб, сопол синиқларининг гидравлик фаоллиги Стюдент мезони (t -критерия) қиймати бўйича ГОСТ 25094 га мувофиқ, цементларнинг физик-механик хоссалари ГОСТ 310.3-76-ГОСТ 310.4-81 талаблари бўйича аниқланган, Сопол синиқарини тутган композицион ПЦни гидратлангандаги фаза таркиблари «ДРОН» русумли рентган курилмасида, уларнинг гидратланиш жараёнида пайдо янги бўдган ҳосилаларнинг эволюцияси электрон микроскопда (РЭМ) аниқланган.

«Сопол ишлаб чиқариш чиқиндиларини ишлатиб портландцемент клинкерини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида «Career Universal Trans» МЧЖ томонидан «Кулол» АЖнинг чиқиндихонасидан сопол чиқиндларни фракцияларга ажратиш схемаси, сопол синиқларини «Охангаронцемент» АЖ ва «BAZIS» МЧЖ ҚК га етказиб беришни ташкиллаштириш ҳақида ахборот берилган. Дастлабки материалларнинг кимёвий таркибига кўра (1-жадвал) умумкурилиш цемент клинкери учун хомашёлар аралашмалари куйидаги модул қийматларида ҳисобланди: Тўйиниш коэффиценти $TK=0,90-0,93$; $n=1,9-2,9$; $p=0,9-1,9$ ва сульфатбардош цемент учун $TK=0,88$; $n=1,59-1,9$; $p=0,9-1,9$. Ҳисоблаб чиқилган янги хомашё композициясини таркибини «Охангаронцемент» АЖда ишлатилаётган хомашё аралашмасининг таркиби билан солиштирилганда, оптимал таркиб $TK=0,90-0,93$; $n=2,44-2,92$ ва $p=1,3-1,9$ эканлиги аниқланди. 2 ва 3- жадвалларда хомашё аралашмаларининг микдорий таркиблари ва улардан клинкернинг ҳисоблаб чиқилган минералогик таркиблари келтирилган бўлиб, уларнинг «Охангаронцемент» АЖда ишлатиладиган хомашё компонентлари (оҳактош, соз тупроқ ва темирсақловчи куюндилар) асосидаги аралашмалар

кўрсаткичларига мослиги, ва улар МХ (меъерий хужжатлар) талабларига иувофиклиги боис, улардан сифатли ПЦ клинкерлар ишлаб чиқариш эҳтимоли юқорилиги бўйича хулоса чиқарилган. Янги таркибдаги хомашё композицияларининг деярли барчасида соз тупроқ батамомо (№6-8 таркиблар) ёки қисман композицион сопол чиқиндиларга (№1-5 таркиблар) (№ 9-11 таркиблар) алмаштирилиши мумкинлиги таъкидланди. Технологик хоссаларини аниқлаш учун 2,7,1-рақамли хом ашё композициялари асосидаги

2-жадвал

Хомашё аралашмаларининг хақиқий таркиби

Модул кўрсаткичлари			Компонентлар миқдори, масс. %:			
TK	p	n	Оҳактош	Соз тупроқ	Темирли куйинди	Сопол чиқиндилари
0,92	2,53	1,3	79,87	17,40	2,73	-
0,93	2,44	1,2	80,07	16,74	3,19	-
0,93	2,52	1,3	80,09	17,19	2,72	-
0,92	2,92	1,9	79,96	19,17	0,87	-
0,90;	2,53	1,3	79,41	17,83	2,76	-
0,93	2,0	1,86	84,47	11,85	3,68	-
0,92	2,0	1,86	84,31	-	3,70	11,99
0,93	1,90	1,55	84,18	-	4,62	11,20
0,93	2,4	1,2	80,22	16,05	3,32	0,42
0,93	2,4	1,50	81,27	12,82	2,76	3,15
0,93	2,40	1,90	82,31	9,59	2,20	5,89
0,88	1,59	0,9	82,15	-	8,70	9,15
0,88	1,9	0,9	79,91	10,30	6,57	3,22
0,88	0,8	1,90	79,18	12,52	6,96	1,34

3-жадвал


Клинкерларнинг минералогик таркиблари

№ кл	Масса қисми, %					№ кл.	Масса қисми, %				
	C ₃ S	C ₂ S	C ₃ A	C ₄ AF	ж.ф.		C ₃ S	C ₂ S	C ₃ A	C ₄ AF	ж.ф.
1	59,51	16,15	6,40	11,14	28,18	8	58,23	13,35	9,91	12,51	33,38
2	61,30	14,18	5,82	11,95	28,60	9	61,14	14,14	5,89	12,10	28,86
3	61,54	14,23	6,36	11,08	28,05	10	60,85	14,04	7,93	10,59	29,00
4	60,42	16,39	8,51	7,76	26,05	11	60,55	13,93	9,96	9,08	29,14
5	55,37	20,06	6,47	11,27	28,45	12	47,12	22,10	4,57	20,27	37,83
6	58,56	13,41	11,31	10,69	32,50	13	48,90	23,02	3,96	17,60	33,92
7	56,61	15,22	11,41	10,73	32,67	14	49,06	23,13	2,58	18,64	33,84

шламлар танлаб олинди. Технологик кўрсаткичлари бўйича янги шламлар мос ва тенг оқувчанлиги (58-60 мм), №2 элакдан ўтказилганда кукунланиш майинлиги билан анъанавий хомашё компонентлари асосидаги шламларнинг кўрсаткичларига яқин: 1,70%, 1,85 ва 1, 90%. Шламларнинг намлиги мувофик бўлиб, 41,35-41,75% ни ташкил қилади. Бундан, портландцемент клинкери ишлаб чиқаришда табиий соз тупроқни қисман ёки батамом сопол ишлаб чиқариш чиқиндиларига алмаштириш мумкинлиги ҳақида хулоса қилинган.

Қурилган 2,7,11-сонли шламларнинг реакцияга киришиш қобиляти 1000, 1100, 1200, 1300, 1400, 1450⁰С ҳароратда 30 минут давомида куйдириб ўрганилди. Сўнгра куйган намуналар таркибидаги эркин кальций оксидининг

миқдори аниқланди. 11,99% сопол чиқиндили шлам ўзининг юқори реакцияга киришиш қобилияти билан ажралиб турди, уни куйдиришда эркин кальций оксиди тез ўзлаштирилди ва клинкер таркибидаги унинг қолдиқ миқдори 1400-1420⁰Сда (0,05-0,10) % ни ташкил этди (2-расм). Бу, куйдириш жараёнида янги хомашё композицияси таркибидага СаОни композицион сопол чиқиндилари таркибидаги реакцияга фаол гил тупроқ (глинозем) ва кумтупроқнинг (кремнезем) жадал кимёвий реакцияга киришиши қобилияти юқори юқорилиги билан изоҳланди.



2-расм. Гил тупроқ ва сопол чиқинди асосидаги анъанавий хомашё аралашмасини куйдириш жараёнидаги эркин СаО ни ўзлаштириш кинетикаси


Анъанавий таркибли соз тупроқданн олинган намуналарни куйдириш учун тупроқ таркибидаги табиий минералларнинг сувсизланиши учун кўшимча иссиқлик харажатлари талаб қилинади. Реакцияга киришиш нуқтаи назардан, 11-сонли хом ашё композицияси оралиқ босқични эгаллайди, чунки унинг таркибида бир вақтнинг ўзида сопол чиқиндилари ва табиий соз тупроқ мавжуд. Синалаётган клинкерларининг ҳақиқий кимёвий таркиби ва ҳисобланган минералогик таркиби қийматлари бир-бирига яқин бўлиб, умумий қурилиш цементлари учун клинкерлари учун O'z DSt 2801:2013 талабларига жавоб беради (4-жадвал).

4-жадвал

Тажриба клинкерларининг кимёвий ва минералогик таркиби

Клинкер №	Оксидлар миқдори, масс. %							
	П.п.п.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O
№ 2	0,10	21,10	4,60	3,95	64,00	4,10	0,95	1,20
№ 7	0,15	20,10	6,50	3,62	64,44	3,50	0,70	0,99
№ 11	0,15	20,65	5,50	2,80	64,20	4,25	1,00	1,45
Клинкерларнинг ҳисобланган минералогик таркиблари, масс. %								
№ 2	C ₃ S = 63,34; C ₂ S = 12,70; C ₃ A = 5,49; C ₄ AF = 12,00.							
№ 7	C ₃ S = 60,34; C ₂ S = 12,10; C ₃ A=11,09; C ₄ AF = 11,00.							
№ 11	C ₃ S = 61,99; C ₂ S = 12,43; C ₃ A = 9,83; C ₄ AF = 8,51.							

4-расмда куйдириб олинган клинкерларнинг дифрактограммасида куйидаги асосий клинкер фазалар акс эттирилган: $d/n=(0,298; 0,295; 0,278; 0,272; 0,260; 0,255; 0,241; 0,228; 0,218; 0,195; 0,191; 0,188; 0,181; 0,175; 0,161; 0,156; 0,147)$ C_3S nm; C_2S ($d/n=(0,288; 0,278; 0,272; 0,260; 0,228; 0,218)$ nm; $d/n=(0,272$ да C_3A $0,191; 0,156)$ nm; $d/n=(0,278; 0,263; 0,911)$ C_4AF nm. $d/n=(0,240$ ва $0,169)$ nm бўлиб, улар анъанавий хом ашёлардан олинадиган клинкерларникидан фарқ қилмайди.



1-назорат таркиб
2-3 тажрибада
олинган
клинкерлар

3-расм
Клинкерларнинг
дифрактограммал
ари

Тажрибадаги клинкерлардан олинган цементларнинг тишлашиш вақти куйидагича бўлди: №6 ва №7-клинкерлардан олинган цементлар учун - бошланиши 2d 15 min ва 2d 25 min, тугаши - 3d 30 min ва 4d 35min. Уларнинг 28 суткалик қотишдан кейинги гидравлик фаоллиги 41,8-41,4 МПа ни ташкил этди, бу эса ГОСТ 10178-85 ва ГОСТ 30505-97 ларнинг ПЦ400-Д20 маркали портландцементга қўйган талабларига мос келади.

Цемент заводларига етказиш бериш учун сопол чиқиндиларини фракцияларга ажратиш технологик схемаси, табиий соз тупроқни тўлиқ ёки қисман сопол чиқиндиларига алмаштириб учун клинкер олиш учун технологик схема ишлаб чиқилди, 1 тонна клинкер учун сарфланадиган хомашё компонентларинг меъерий миқдорлари ҳисоблаб чиқилди ва «Охангароцемент» АЖда қўллаб, клинкер ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тавсия берилди.

Диссертациянинг «**Сопол чиқиндиларни ишлатиб боғловчи композиция олишнинг энерго- ва ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи боби фракцияга ажратилган сопол синиқларини портландцементнинг физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганишга бағишланган. Сопол синиқларининг Стьюдент критериясининг тажрибалар орқали аниқланган қиймати $t= 21,21$ ни ташкил этганлиги, уни О'з

DSt 901-98, 4.2 бандига мувофиқ меъёрланган 2,07 қийматдан юқорилигини кўрсатди. Бундан сопол синиқларини цемент олишда фаол минерал қўшимча сифатида ишлатиш мумкин деган хулосага чиқарилди. Сопол синиқлари билан қўшимчали цементлар олишни ўрганиш учун таркибида 75-85 % портландцемент клинкери, 10-20% сопол кошнлар синиғи ва 5% гипс тоши бўлган хомашё композициялари шакллантирилди. Солиштириш ишлари таркибида қўшимчалар бўлмаган ПЦ400-Д0 цементга нисбатан олиб борилди. Тайёрланган композицияларини зўлдирли тегирмонида лаборатория 50 минут давомида майдалаб тайёрланганда, 5 ва 10 % сопол синиқларини кўшиш олинаётган цементнинг майинлигига таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Уларнинг майинлиги № 008 рақамли элакдаги қолдиқ билан аниқланганда, сопол синиқли ва қўшимчасиз цементларники бир хил (10%) бўлиши кузатилди. Қўшимча миқдорини 20 % гача оширилганда боғловчи композицияларнинг №008 рақамли элакдан ўтказилгандаги майинлик даражаси 92% ни (қолдиқ 8%) ташкил этди. Таркибида 5-20% сопол синиқлари бўлган цементнинг сувга бўлган эҳтиёжи солиштирилаётган ПЦ-Д0га нисбатан 5-9%га юқорили бўлди ва тишлашиш муддатини бошланиши узайди (5-жадвал).

5-жадвал

Сопол синиқларининг портландцементнинг физик-механик хассаларига таъсири

Цементларнинг белгиланиши	Цемент хамирининг нормал қуюқлиги, %	Қотиш муддати, h - min		Букилишдаги ва сиқилишдаги мустаҳкамлик, МПа			
		Бошланиши	Тамом бўлиши	7 сут		28 сут	
				Эгилиш.	Сиқил.	Эгилиш	Сиқил.
ПЦ-Д0	25,70	3-20	5-00	5,6	21,4	6,2	40,2
ПЦ-Д5	27,00	5-45	6-30	5,9	22,7	6,5	41,9
ПЦ-Д10	27,00	5-35	6-10	6,0	24,0	6,7	42,8
ПЦ-Д20	28,00	5-25	6-10	5,3	23,0	6,7	41,5

Сопол синиқларини қўшимча сифатида қўлланиши ПЦнинг қотиш жараёнини, айниқса бошланиш вақтида, тезлаштиради. 7 суткадан сўнг уларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги солиштирилаётган ПЦ-Д20га нисбатан 6-12% юқори бўлди. Худди шундай қонуният қўшимчали цементларнинг 28 суткада қотишида ҳам кузатилди. Сопол синиқлари миқдорига қараб, уларнинг сиқилишидаги гидравлик фаоллигига 41,9-42,8 МПа ни ташкил этди, бу эса ПЦ-Д0 нинг мустаҳкамлигидан юқори бўлиб, ГОСТ 10178 талабларига кўра 400 маркали цементга мос келади.

Қотаётган «клинкер-гипс-сув» тизимига турли хилдаги қўшимчаларнинг киритилиши портландцемент қотаётганда унинг гидратланиш тезлиги ва структура шаклланиш кинетикасини ўзгартиради. Сопол синиқларини цементга қўшганда алюмосиликат сақловчиларнинг ҳажми ортади, бу эса унинг гидратланиш тезлигида акс этади ва бирламчи ҳосилалар пайдо бўлишидан тортиб сунъий конгломератнинг шаклланишигача бўлган эволюция

жараённини ҳам ўзгартиради. Шу нуқтаи назардан, таркибида 20% сопол синиқлари бўлган цементнинг гидратланиш ва қотиш жараёнида ҳосилаларнинг эволюцион йўналишнинг ўзгариши кимёвий, рентгенфазавий таҳлил, ДТА ва электрон-микроскоп ёрдамида ўрганилди.

Сопол синиқларини қўшиш боғловчи композициянинг минерал қисмини сув билан таъсирлашиш жарёнини қотишнинг дастлабки муддатларида (3 суткагача) секинлаштиради. Бу, эҳтимол, сопол синиқларининг ўта майда зарралари клинкер дончаларини юзасини қоплаб олиб, уларни сув билан тез тўқнашувига халал бериши билан боғлиқдир. 7-суткга келиб ва ундан кейинги муддатларда (90 суткагача) сув боғланиши тезлашиб, натижада унинг намуналардаги миқдори кўшимчасиз портландцемент намуналариникидан юқори бўлди. Бу эса сопол синиқлари қўшилган боғловчи композицияда янги ҳосилаларнинг ҳам миқдори кўпайишига олиб келиб, цемент тошини зичлашувини ва мутаҳкамланишини таъминлайди (18-жадвал).

18-жадвал

Сопол синиқларининг композицион портландцемент қотаётганда сувни кимёвий боғлаш тезлигига таъсири


№	Композицион боғловчини белгиланиши	Гидратланиш муддатлари, сут				
		1	3	7	28	90
1	ПЦ400-Д0	13,29	13,43	12,41	12,87	14,27
2	ПЦ400- Д20КБ	10,31	12,31	13,38	14,14	15,55

Рентгенфазавий таҳлил натижаларига кўра, композицион портландцемент қотиш жаарёни цемент пастасида $3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot 3\text{CaSO}_4\cdot 31\text{-}32\text{H}_2\text{O}$ - эттрингитнинг жадал ҳосил бўлиши билан кечади: 1 суткадан кейинок дифрактограммада унинг $d/n=(0,955; 0,730; 0,538, 0,424)$ nm чизиқлари пайдо бўлиб, уларнинг ўлчами 21 суткагача катталашади ва кейин барқарорлашашди (9-расм). Бу эса кальций сульфатни гидролизланиши натижасида суюқ фазага ўтган SO^{2-} ионларини гидросульфоалюминатларга тўла боғланганлигидан далолат беради. Шу билан бирга композицион портландцементдаги клинкерни силикат минералларини гидролизланиш ва гидратланиш жараёни параллел равишда кечади ва буни вақт ўтиши билан C_3S и C_2S ($d/n=0,302; 0,277; 0,262\text{.....}0,192$ nm) чизиқларини жадаллигини кескин камайиши кўрсатиб турибди. Бу эса, суюқ фазадаги Al^{3+} ва SO^{2-} ионлари боғланиб бўлгандан кейин силикат минералларини гидролизланиши ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ажралиб чиқиши жадаллашиб, Ca^{2+} ионларини гидросиликатлар ивиқлари ҳосил бўлишига сарфланиши ва улардаги гидросиликатлар кристалланиши, натижада шаклланаётган цемент композитини аста-секин зичлашиши ва композицион боғловчи таркибидаги клинкер қисмининг 20%гача камайишига қарамай, унинг асосидаги композитнинг ПЦ400-Д0 портландцементникидан юқори мустаҳкамликка эга бўлишига олиб келди.

ДТА маълумотларига кўра, 1 сутка давомида қотгандан сўнг кўшимчали цементнинг 100-600⁰ С оралиғидаги термик эгри чизиқларининг (122, 152, 180, 212, 288, 340, 360, 426, 458, 505⁰С) 9 та эндотермик максимумларида тўхташ

жараёнлари кўринди, бу эса гидратланиш тизимининг кўпфазали хусусиятидан далолат беради ва алюминат сакловчи гидрат боғловчиларнинг турли шаклларида молекуляр ва кристалланган сувни чиқариб ташлаш билан боғлиқдир. 600-800°C оралағидаги термик эгри чизиғида ҳосил бўлган кичкина эгрилик кальций гидросиликатининг мавжудлигидан далолат беради. 21 сутка қотган цемент намуналарининг эгри чизиғида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бу эса гидратланиш жараёнида янги ҳосилалар миқдори деярли ўзгармаганлигини билдиради. 28 суткали ва 3 ойлик қотган намуналарнинг термик эгри чизиқлари бир хил ва улар 1-21 сутка давомида қотган намуналарнинг ДТА сидан катта фарқ қилади, чунки термик эгри чизиқлар 14, 157 ва 503°Cда эркин ва кристалланган сувларни чиқишини тавсифловчи эндоэффектни кўрсатади ва бу уларнинг дисперс системадаги миқдорлари деярли ўзгармаганлигидан далолат беради. Шу ерда намуналарнинг термик эгри чизиғида 750 ва 880°C да кальций гидросиликатларнинг сувсизланиши ва структураси бузилиши бошланишидан далолат берувчи унча чуқур бўлмаган 2 та эндоэффектнинг ҳосил бўлиши кузатилди.


Композицион қўшимчали цементнинг гидратланишида ҳосилаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг эволюция йўналишни кузатилганда шу нарса аён бўлдики, сув билан аралаштирилгандан сўнг, тизимдаги таркибий қисмларининг кимёвий ўзаро таъсири кучаяди, натижада 1 сутка давомида клинкер зарралари юзасида эттрингитнинг сезиларли миқдордаги игнасимон кристаллари ҳосил бўлиб, улар турли йўналишларда ўсишни бошлайдилар ва қотгаётган цемент пастасининг ҳаво ғовақларини ва зарралари орасидаги бўшлиқни тўлдирди бошлайдилар (5-расм).



5-расм. 1 суткадан кейинги қотган цемент композити синиқ юзасининг рельефи

28-суткага келиб, цемент тошларининг синдириб олинган юзасида толасимон кристалл агрегатлар ва алоҳида блоклар ҳосил қилувчи $5\text{CaO}\cdot 6\text{SiO}_2\cdot 5\text{H}_2\text{O}$ тоберморит туридаги кальций гидросиликатлари CSH (B) ва призма шаклидаги кристалларининг зич тахланганлиги, жипслашиб ва қатланиб пластинка ҳосил бўлиши кузатилди. Ушбу кристалл блоклари орасида толасимон (ипсимон) кристаллар ҳам жойлашган бўлиб, улар юзада ёпишиб, майда доналар улушини камайтиради, яъни клинкер минераллари заррачаларини бир-бири билан «тикиб» чиқади. Гидросиликат кристаллари ва уларнинг цементнинг ички ғовақларида жадаллик билан ўсиши ёриқларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу эса цемент композитининг деформацияланишига олиб келиши мумкин.

Лекин, гидросиликатларнинг қайта кристалланиш жараёни билан параллел равишда, давом этаётган гидратланиш ва суюқ фазанинг Ca^{+2} ионлари билан тўйиниши сабабли, кальций гидросиликатларнинг ҳосил бўлиши давом этади ва уларнинг полимерланиши кучайиши цемент композити структурасидаги гидросиликатларнинг жипслашишига ёрдам беради ҳамда ҳосил бўлган ёриқларни «ўз-ўзини даволаш» жараёни содир бўлади. Бу омил эса сопол синиқларининг қўшилиши, кликнер улушининг камайишига қарамай, цемент композитининг мустаҳкамлиги қўшимчасиз портландцементники даражасига кўтарилишини таъминдайд (8-расм).



8-расм. Цемент композити синиқ юзасининг 28 кун (1) ва 3 ой муддатдан (2) кейинги рельефи

Шундай қилиб, «майдаланган клинкер-сопол синиғи-гипс тоши-сув» тизимидаги янги ҳосил бўлаётган ҳосилаларнинг эволюция йўналиши ўрганилиб, ПЦни майдалаш пайтида ушбу қўшимчанинг (5-20%) миқдорда киритилиши, цементнинг қотиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Янги ҳосилаларнинг ўзига хос ривожланиши туфайли цемент тошининг дастлабки склети ва кейинги структура шакллаиш жараёнининг жадал ўтиши туфайли, цемент композитининг зичлашув даражаси юқори бўлади ва натижада 28-кунга келиб унинг гидравлик фаоллиги (41,5-42,8) МПа ни ташкил этади, бу эса ГОСТ 10178-85 бўйича цементнинг ПЦ 400-Д20 маркасини таъминлайди.

Тадқиқот натижалари асосида портландцемент клинкери ва қўшимча цементларни ишлаб чиқаришда сопол чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш бўйича технологик схема ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Сопол чиқиндиларини цемент ишлаб чиқаришда комплекс ишлатиш технологиясининг самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида «Охангаронцемент» АЖ дасопол чиқиндиларидан комплекс фойдаланиб портландцемент клинкери ва композицион қўшимчали портландцемент ишлаб чиқариш технологиясини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Сопол синиқларини етказиб берувчи меъёрий ҳужжатлар (МХ) тўплами ишлаб чиқилди ва улар сопол чиқиндилари тўпланган жойдан фойдаланиш бўйича барча ҳуқуқларга эга бўлган «CAREER UNIVERSAL TRANS» МЧЖга тақдим этилди. Хом ашё аралашмаси таркибидаги соз тупрокни қисман сопол чиқиндиларига алмаштириш орқали «Охангаронцемент» АЖда О'з DSt 2801:2013 «Портландцемент клинкери.

Техник шартлар» сифат талабларига жавоб берадиган портландцемент клинкерини серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тажириба клинкерлар барча технологик ва физик-механик кўрсаткичлари бўйича корхонанинг технологик регламенти талабларига жавоб беради.

Вақтинчалик технологик йўриқномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, 1 тонна композицион қўшимчали цемент ишлаб чиқариш учун материалларининг ҳисобланган сарфий меъёрига мувофиқ, ушбу корхонада 18% фракцияланган сопол синиқлари қўшиб олинган ва физик-механик хоссалари бўйича ГОСТ 101178 талабларига жавоб берадиган ПЦ400-Д20га маркали цемент ишлаб чиқариш технологияси жорий этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илмий-техник адабиётлар ва патентлар манбааларининг ахборот маълумотларини таҳлил қилиш асосида, портландцемент клинкери ва кўшимчали ва композицион кўшимчали цементлар ишлаб чиқаришда сопол ишлаб чиқариш чиқиндиларини хом ашё композицияси компоненти ва фаол минерал кўшимча сифатида комплекс равишда ишлатиш самарадорлиги назарий ва амалий асослаб берилди.

2. Сопол ишлаб чиқаришдаги куйдирилган чиқиндиларнинг кимёвий-минералогик таркиблари ва Стьюдент мезони қийматида асосланиб, гидравлик фаоллиги аниқланган ва ундан цементга фаол минерал кўшимча сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Хомашё композицияларининг таркибида табиий соз тупроқни қисман ва тўлиқ сопол чиқиндиларига алмаштириб портландцемент клинкери куйдириб олишнинг технологик параметрлари оптималлаштирилди, клинкер ҳосил бўлиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, клинкерларнинг фаза таркиби ва улар асосидаги цементларнинг хоссалари ўрганилди.

4. Сопол чиқиндилар иштирок этган хом ашё композицияларини куйдиришда, уларнинг таркибидаги фаол SiO_2 ва Al_2O_3 нинг CaO билан жадал реакцияга киришиши ҳисобига, клинкер минералларининг ҳосил бўлиш жараёнини нисбатан паст (1400-1420°C) ҳароратда олиб бориш тавсия этилди.

5. Янги турдаги композицион портландцементнинг 28-кунда эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, унинг гидравлик фаоллиги юқори бўлиши (40,1-41,8 МПа) ва маркаси кўшимчасиз цементникидан (М400) паст бўлмаслиги учун, 20% гача клинкерни сопол синиқларига алмаштириш тавсия этилди.

6. Портландцемент клинкери ва композицион кўшимча портланд цементларни ишлаб чиқаришда сопол ишлаб чиқариш чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган технологик схемалар ва вақтинчалик технологик йўриқномалар амалиётда қўлланиш учун тавсия этилди.

7. Клинкер олиш учун хом ашё композицияси алюмосиликат компоненти ва кўшимчали портландцемент таркибида фаол минерал кўшимча сифатида сопол чиқиндиларидан комплекс фойдаланиш технологиясини цемент ишлаб чиқаришда саноат миқёсида қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ АНРУЗ

БОТИРОВ БУРХОН БОБИР УГЛИ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ СОСТАВОВ И ТЕХНОЛОГИИ
ПОЛУЧЕНИЯ ПОРТЛАНЦЕМЕНТНОГО КЛИНКЕРА И
КОМПОЗИЦИОННЫХ ВЯЖУЩИХ НА ОСНОВЕ КЕРАМИЧЕСКИХ
ОТХОДОВ**

02.00.07 – Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых
материалов (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/T1705 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в институте общей и неорганической химии АНРУз.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gupft.uz, Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Бегжанова Гулрух Бахтияровна
доктор технических наук, с.н.с.

Официальные оппоненты:

Эминов Ашраф Мамурович
доктор технических наук, профессор

Юнусов Миржалил Юсупович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «03» декабря 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, в здании ГУП «Фан ва тараккиёт», 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером № 27). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «19» ноября 2020 года (протокол реестра №27 от 05 ноября 2020 г.).

С.С. Негматов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, академик
АНРУз, д.т.н., проф.

М.Г. Бабаханова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, к.х.н., с.н.с.

Н.Талипов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.4.PhD/T1705 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в институте общей и неорганической химии АНРУз.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gurfi.uz, Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Бегжанова Гулрух Бахтияровна
доктор технических наук, с.н.с.

Официальные оппоненты:

Эминов Ашраф Мамурович
доктор технических наук, профессор

Юнусов Миржалил Юсупович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурный институт

Защита диссертации состоится «03» декабря 2020 года в 11:00 часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараққиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а, тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_ua_taraqiyot@mail.ru, в здании ГУП «Фан ва тараққиёт», 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараққиёт» (Зарегистрированный номером №27). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «19» ноября 2020 года (протокол реестра №27 от 05 ноября 2020 г.).



С.С. Негматов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, академик
АНРУз, д.т.н., проф.

М.Г. Бабаханова
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, к.х.н., с.н.с.

Н.Галинов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день мировая экологическая политика направлена на осуществление перехода от охраны отдельных элементов природы к всеобщей охране экологических систем, гарантированию оптимальных параметров среды обитания человека и гармонизации взаимосвязи с механизмами развития отраслей экономики по принципам «зелёной экономики». В этом аспекте особое значение имеет производство эффективных цементов на основе техногенных отходов.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование технологических процессов и природоохранной деятельности, которые являются уменьшение воздействия отходов на окружающую среду. В связи с этим повышение эффективности рационального и комплексного использования природных ресурсов путем модернизации и реконструкции производственных предприятий, внедрения экологически чистых и ресурсосберегающих технологий являются актуальной проблемой.

В республике проводятся ряд исследований по разработке высококачественных цементов и композиционных вяжущих с использованием техногенных отходов. В Стратегии действий развития экономики страны определены задачи «...развитие отраслей производства, модернизация и диверсификация промышленности, на практике применять способов малорасходных энергосберегающих технологий, развитие цементной промышленности, изготовление импортозамещающей и экспортоориентированной продукции»¹. В этом аспекте комплексное использование отходов керамического производства, химический состав которых близок к химическому составу природных компонентов, создает возможность полноценной замены природных сырьевых материалов и выпуск клинкера и композиционных портландцементов по энерго- и ресурсосберегающей технологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистана ПП № 3696 от 4 мая 2018 года «О дополнительных мерах по стабильному обеспечению внутреннего рынка цементом», ПП № 4335 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» от 23 мая 2019 года, № УП – 5368 от 30 октября 2019 года «Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствия исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VII «Химические технологии и нанотехнологии».

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 97.02.2017 г “Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах”.

Степень изученности проблемы. Научными исследованиями в области снижения энергоемкости производства клинкера и композиционных вяжущих на их основе с комплексным использованием новых видов природного и техногенного сырья занимались И.В. Кравченко, Т.В. Кузнецова, В.В. Тимашев, С.М. Канцельпольский, М.Г. Гулямов, V.S. Ramachandran, А.П. Осокин, А.А. Пашенко, Л.М. Шпынова, Л.Я. Гольдштейн, Т.А. Атакузиев, М.И. Искандарова, Б.Т. Таймазов, L.R. Castello, K.L. Scrivener, Я.Б. Якимечко, М.А. Саницкий, Х.С. Соболев, Б.И. Нудельман, М.Я. Бикбау, З.П. Пулатов, А.А. Тулаганов, Ф.Б. Атабаев, З.Р. Рахимов, Г.Б. Бегжанова, Е.Ю. Ермилова, З.А. Камалова, K.L. Scrivener, A. Nonut и др.

Исходя из анализа существующих работ, необходимо отметить, что с развитием отраслей экономики, производящих основную продукцию, в качестве попутно добываемого сырья и минеральных отходов образуются многотоннажные вторичные сырьевые материалы, пригодность которых к применению и переработке в промышленности строительных материалов не изучены. В связи с этим разработка технологии получения портландцементного клинкера и композиционных вяжущих с использованием техногенных отходов ещё далеки от своего завершения. Решению этих проблем и посвящена настоящая диссертационная работа.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Института общей и неорганической химии АН РУз, а также ООО «Science investment» в рамках инновационного проекта И-2017-7-21 «Освоение технологии получения широкого ассортимента строительных материалов с комплексным использованием отходов керамического производства» (2017-2018 гг.).

